



1000 YIL PARVOZ

2014/10 №18

O'zbekiston Davlat san'at va
madaniyat institutining ma'naviy-
ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

СИЗ ХАЎФ МУАЛЛИМ, МУРАББИЙ, УСТОЗ!

УСТОЗ МАЪНАВИЯТИ — ИБРАТ МАКТАБИ

Қадимдан Шарқда устозларнинг шахсий фазилатлари мезон бўлиб, унга қатъий амал қилинган. Меҳр-шафқатли, қатъиятли, саховатли, марҳаматли, сабр-бардошли, талабчан, тўғри-сўз, самимий, саҳий бўлиш, поклик ва ҳалоллик ва бошқа хислатлар устознинг шахсий фазилатлари ҳисобланган.

Ҳақиқатдан ҳам, устоз маънавияти қадимдан Шарқ халқларининг қадимий қадрияти бўлиб, у асрлар давомида бу халқларнинг маънавияти, ўй-хаёллари, орзу-истакларини ўзида ифодалаб келган.

Ёшлар масаласи ҳақида вақт, эътиборни жалб қилиб келган. Файласуф Сенека: «Келажак авлодни ўйламаган халқ дунёдаги энг бахтсиз халқдир», — деган эди. Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасида эътибор берилган бир пайтда мустақиллик руҳини ёшларга сингдириш, озодлик, ватан-парварлик кайфиятини қарор топтириш олдида кўп масъулиятли вазифалар турибди.

Маълумки шу вақтга қадар ўқитувчи-мураббий билим берувчи ва ахборот берувчи, талаба эса фақат тингловчи бўлиб келарди. Лекин бугунги кун талаби мутлақо бошқа бўлиб, талабанинг фаоллиги биринчи ўринда туради. Шу боис, бугунги ўқитувчи-педагог ўз фаолиятининг моҳиятига кўра

ижодкор, якунига кўра санъаткор бўлмоғи лозим. Бу эса ўқитувчи-мураббийлардан ташкилотчи, билимли, зийрак, назокатли ва мулоқотмандаликни талаб қилади.

Устоз-мураббий ўз шогирдлари билан мулоқот олиб боришда шогирдларнинг одоби ҳусусида уларга тушунтирмоғи керак. Шарқ алломаларидан Ҳусайн Воиз Кошифий шогирдликнинг одоби ҳусусида фикр юритиб: шогирд устоз қабулига кирганда ёки устозни кўрганда, биринчи бўлиб салом бериши, устознинг олдида кам гапириши, кўзни ҳар томонга югуртирмаслиги, агар масала сўрамоқчи бўлса, устоздан ижозат олиши, устоз жавоб айтганда, эътироз билдирмаслиги, устоз олдида бошқалар билан гийбат қилмаслиги, ўтириб-туришда ҳурматни тўлиқ сақлаши тўғрисида қимматли мулоҳаза юритади.

Бугун маънавий бўҳронлар, инфорацион хуружлар, инсон ҳаётига таҳдид солаётган «оммавий маданият» таъсирларидан ёшларимизни ҳимоя қилиш, уларни тўғри тарбиялаш борасида биз устоз-мураббийлар олдида катта масъулиятли вазифалар турган экан, авалло биз ўзимиз уларга ибрат намунасини кўрсатмоғимиз керак.

Қундуз НИШОНБОВА
«Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедраси доценти

Устозлар

*Отадек қаттиққўл, онадек ғамхўр,
Илму маърифатга чорлаб толмайди
Талабчан, меҳрибон, жонкуяр ҳамдўст,
Қўлимда янграган куй-созим менинг,
Покликка ундовчи устозим менинг.*

*Бири Навоийдек шеър ошуфтаси,
Бири Ражабийдек қўшиқ устаси,
Сарҳадлар билмайди шўх таронаси,
Доим дер: юксалсин овозинг сенинг,
Покликка ундовчи устозим менинг.*

*Фарзанддек кўрдингиз бизларни гўё,
Шогирд тақдири-чун умрингиз фидо.
Меҳрингиз бир умр қалбингизга жо.
Сиз отамдай суянч, чўнг тоғим менинг,
Ҳамиша соғ бўлинг, устозим менинг!*

Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

ОНА ТИЛИМ, СЕН БОРСАН ШАКСИЗ...

Хур Ватанимизда нишонланадиган байрамларнинг ҳар бири ўзига хос. Буларнинг орасида Тил байрамининг шукуҳи ўзгача. Негаки, ўзини англаган ҳар бир юртдошимиз она тилимиз — ўзбек тилининг гуллаб-яшнашидан, унинг камолотидан қувонади, қалбида олам-олам фахр-ифтихор туйғуларини ҳис этади. Яқинда институтимизда бўлиб ўтган «Муқаддасан, она тилим» деб номланган маънавий-маърифий, адабий-бадий тадбир ҳам юртдошларимизнинг она тилини қанчалик ардоқлашидан дарак берди. Аввало, тадбирнинг бошида сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг фикрлари тадбир иштирокчиларини ларзага солди. Севимли шоиримиз шўро давридаги тил сиёсати, унинг машғум оқибатлари, она тилимизнинг бугунги имкониятлари, она тили ва ижтимоий ривожланиш масалалари ҳақида маълумот берди.

Тадбирда институт талабаларининг ўзбек тилини нечоғли севиши, тилдан фойдалана олиш маҳоратлари намоён бўлди. Саҳна кўринишлари, бадий ўқишлар, русийзабон талабаларнинг ўзбек тилида шеърлар ижро этгани — ўзбек тилининг қўлланиш доираси нақадар кенгайиб бораётгани, мамлакатимизда асосий мулоқот воситасига айланиб бораётганидан дарак берди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев раҳбарлигидаги «Сайқал» ансамблининг чиқишлари Тил байрамининг шукуҳига шукуҳ қўшди.

Она тилимизнинг нафосатини, ўзига хос бетакрор имкониятларини кўрсатишда доцентлар Исоқтой Жуманов ва Махсума Ҳожиматовалар раҳбарлигида тайёрланган бир қатор талабаларимизнинг меҳнатини алоҳида эътироф этиш лозим. Айни пайтда тадбир режиссёри Фаррух Эгамбердиевнинг топқирлиги, она тилимизни чуқур ҳис эта олиши, куй ва қўшиқларнинг ўринли танлай олганини ҳам қайд этиш жоиз. Кечага алоҳида файз киритишда «Файзинур» чолғу ансамблининг театр фойсидидаги чиқиши ҳам ниҳоятда мароқли бўлди. Тадбир иштирокчиларининг либослари ҳам, сахнанинг безатилиши ҳам Тил байрамига мос тушди. Қисқаси, тадбирда қатнашган ҳар бир киши ўзи учун маънавий озуқа олди, ўзбек тилининг беқиёс имкониятларини яна бир бора ҳис этди.

«Тиллар ва адабиёт», «Саҳна нутқи» ҳамда «Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик» кафедралари ҳамкорлигида тайёрланган тадбир, назаримизда, ўз олдида қўйилган вазифаларни тўла-тўқис бажарди. Энг муҳими:

Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр,
Такрор айтилганда рангсиздир калом.
Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном.

Дилбар ШОМУРОВА
«Тиллар ва адабиёт» кафедраси ўқитувчиси

ТИЛ — МИЛЛАТ ҒУРУРИ

Бу муқаддас Ватанимизга кимлар қилич кўтариб келмади. Юртни босиб олиш учун халқнинг ўзлигини, тарихини, динини, тилини йўқотмоқчи бўлдилар. Лекин вақт ўз сўзини айтди...

Она тилимиз ҳам ўзбек халқимиздек неча чиғириклардан, тўсиқлардан, тазйиқлардан ўтган бўлса-да, лекин ўз маъно-мазмунини, ўз жозибадорлигини йўқотмади.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий 26035 та, рус ҳассос шоири ва ёзувчиси Пушкин 21193 та, жаҳон драматургиясининг даҳоси Шекспир 20000 дан ортиқ сўзлардан фойдалангани олимлар томонидан ўрганилган.

Она тилимизда «юз» сўзининг чеҳра, афт, ораз, ҳусн, турқ каби маънодошлари мавжуд. Инглиз тилида эса «юз» бир сўз билан «face» деб аталар экан. Тилимизнинг нақадар сўзга бойлигини, гўзаллигини биргина шу мисоллардан ҳам билишимиз мумкин.

«Она тили — халқ маънавий ҳаётининг ҳеч сўлмас, мангу яшаб турувчи гули», — деб бежиз айтмаган буюк ёзувчи Чингиз Айтматов. Дарҳақиқат, агар биз ўз тилимизга эга бўлмаганимизда эди, халқ сифатида шаклланмаган, юртимизнинг бебаҳо ўтмиши, аждоқларимизнинг буюк маънавий меросларидан бебаҳра қолган бўлар эдик.

Ҳар бир тилнинг умрбоқийлиги, халқнинг тилга эътиборида, ундан унумли фойдаланишида намоён бўлади. Тилимизнинг илдиши шундай мустаҳкамки, ҳозиргача ўз қадр-қимматини йўқотгани йўқ.

Гуруч курмакисиз бўлмаганидек, минг афсуски, тилимизга бўлган ҳурмат бироз суистеъмол қилинаётгандек. Бугун Тошкент кўчаларини кезсангиз, беихтиёр ўзингизни чет элда юргандек ҳис қиласиз. Боиси қаерга қараманг чет тилидаги сўзлар: «Cinema», «Fast-food», «Beauty», «Boutique», «World wide», «Mother care», «Style», «авиакасса», «Скидка», «Close», «open», «Market», «Flowers», «Fitness club», «Restaurant», «Cafe», «Bar» ва ҳоказо.

Тўғри, замон билан ҳамнафас бўлиш, чет тилини билиш, ҳар бир инсонни жалб қилиш учун ном қўйиш яхши. Лекин ўз тилимизнинг ҳали фойдаланилмаган қанчадан-қанча бетакрор сўзлари борлигини биламизми? Бугун сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг ижодини ўрганиб, тилимиз гўзаллигидан ҳайратда қолаётган бир пайтда, нега

биз кўр-кўрона чет элга тақлид қилиб, ўзимизга ёт бўлган сўзларни тилимизда ишлатаёпмиз?

Эҳтимол, бу камчиликларни тўғриласа бўлар, лекин инсонлар бир-бири билан мулоқот жараёнида турли хил жаргонлардан, вулгаризм, варваризм сўзларидан ишлатаётганига нима дейсиз?! Аввало, бизнинг камчилигимиз — бефарқлигимизда, лоқайдлигимизда.

Тил — бир буюм эмаски, кераксиз пайтда ташлаб юбориладиган. Миллий гурурнинг бир кўриниши тилга нисбатан ҳурматдир. Она тилимизнинг софлигини сақлаш, уни зарарли тиконлардан тозалаш ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятдир.

Омон Матчон айтганидек:

Она тил! У бизга матбад бетимсол,
Ҳар бир миллат учун ўз тили Она.
Тил — ўтмиш, тил — бугун, тил — бу истиқбол,
Тил — она халқингдан нурли нишона.

Шундай экан, она тилимизни асрайлик. Зеро, тил — миллат ғурури!

Чарос ҲАМИДОВА
Алишер Навоий номидаги Давлат стипендияси совриндори,
«Санъатшунослик журналистикаси» бўлими 4-курс талабаси



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

АНЪАНАВИЙ «ҚОЛИП»ЛАРДАН ҲОЛИ



Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти улуг ва истеъдодли ижодкорлар маскани. Уларнинг муваффақияти том маънода малакали педагоглар таълим-тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Улар қаторида ёш ўқитувчилар сафининг кенгайиб бораётганлиги эса янада қувонарли.

«Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедрасининг изланувчан муаллимлари Козимхон Сагдуллаев ҳамда Бахтиёр Ёкубов ана шундай ўз касбига масъулиятли ва соҳа илмини чуқур эгаллаган ёш мутахассислар. Уларнинг дарс ўтиш услублари анъанавий «қолип»лардан ҳоли. Мавзулар моҳиятининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ёритилиши талабаларни фалсафий мушоҳада юритиш, касбий маҳорат чўққиларининг кўз илғамаган қирраларини англашига замин яратади. Ёш педагоглар нафақат ўз принциплари ва дунёқарашига эга кадрлар, балки ибратли фазилатлари билан ўрناк бўла оладиган, толиби илмларга тўғри маслаҳат бериб, ўз ёрдамларини аямайдиган хушхулқ инсонлардир. Уларнинг камтарона меҳнатлари кўплаб санъат ва маданият вакиллариининг чинакам мутахассис бўлиб етишишларига қанот бағиш-ламоқда. Зеро, устозларга муносиб шогирд сифатида уларнинг саъй-ҳаракатлари эътиборга молик.



Азиз МАТЕКУБОВ

Президент стипендияси соҳиби, «Санъатшунослик журналистикаси» бўлими 4-курс талабаси

НОТИҚЛИК САНЪАТИ УСТАСИ



Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода этолмайдиган мутахассисни, авваламбор, раҳбар курсида ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин». Шундай экан, бутунги кунда яхши мутахассис бўлишни орзу қилган талабалар тўғри ёзиш, ўқиш, чиройли гапириш ҳамда янгича дунёқарашни ўзида шакллантирган бўлмоғи лозим. Бундай натижага эришиш учун эса, албатта, нотиқлик санъати сабоғи муҳим аҳамиятга эга. Нотиқлик санъати ақлни чархлайди, шахснинг жамият ҳаётидаги фаоллиги, ўзига бўлган ишончини оширишга замин яратади. Биз бу соҳа сирларини педагогик маҳорати билан ҳурматга сазовор бўлган Раҳимбой Жуманиёзовдан ўрганмоқдамиз.

Устоз — бутун билим кучлари, ақл-идрокини шогирдларига бахш этадиган зотдир. Раҳимбой Жуманиёзов мана шундай залворли вазифани бажаришда турли услублардан кенг фойдаланади. Энг асосийси аудитория билан ишлаш вақтида тингловчиларнинг диққатини ўзига жалб қила олади. Мавзуга оид фикрларини ҳаётий далиллар ва ибратли мисоллар билан асослаб, дарснинг яна ҳам мазмунли ўтишини таъминлайди. Ўз касбимизни мукамал эгаллашда у кишининг таълими муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сабоқ бериш — масъулиятли, сабр тоқатни талаб қиладиган савобли иш. Шу боисдан ҳам бундай шарафли касб эгалари доимо қадрли ва таҳсинга сазовордир.

Отабек АХМЕДОВ

«Санъатшунослик журналистикаси» бўлими 4-курс талабаси

Сизга таъзим, азиз Устозлар!



Илк бор Она, Ватан сўзларини юрагимизга жойлаган, меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини қалбимизда жўш урдирган улуг зот — Устоздир. Шу боис уларнинг номини тилга олганимизда дилимизда меҳр-муҳаббатимиз ортади.

Институтимизда талабаликнинг илк кунларидан бошлаб бизга меҳрибон, чин дилдан билим беришга ошиқаётган, ўз фарзандидек кўриб, табассум билан кутиб олган ўқитувчи устозларимиз бағрига келдик.

Ҳозирги кунда «Чолғу ижрочилиги» кафедрасида фаолият юритаётган профессорлар Тоҳир Юлдошев, Ўрозали Тошматов, Собир Жумаев, доцент Мирмуҳсин Ғопуров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Комилжон Мирзаев, Комил Шерматов, катта ўқитувчи Собир Тураговларнинг

бошчилигида уч йилдан буён мусиқа ва чолғу сирларини ўрганиб келмоқдамиз. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бир қанча ансамбллар, тўғрақлар тузилиб институт ва олий ўқув юртларида концертлар, маънавий кечалар уюштиришга эришдик. «Файзинур» ансамбли республикамизда ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Шунингдек, институтнинг ҳар бир маънавий тадбирларида Гўзал Мўминова бошчилигидаги дуторчи қизлар ансамблининг ҳам ўрни каттадир.

Биз талабалар «Чолғу ижрочилиги» кафедрасида фаолият олиб бораётган устоз ва концертмейстер мураббийларимизга чуқур эҳтиром ва ташаккур билдирамиз. «Устоз ва мураббийлар куни» муносабати билан уларнинг келгусидаги фаолиятларида улкан зафарлар тилаб байрам билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Шу қаторда барча институтимиз ўқитувчиларини Устоз ва мураббийлар куни билан табриклаймиз.

**«Чолғу ижрочилиги» кафедраси,
«Келажак ёшлари» тўғараги аъзолари**

УЧИТЕЛЬ ОТ БОГА



Учитель — это не просто тот, кто находится рядом, пока мы читаем учебники и пишем в тетрадках. Мы все проходим свои жизненные университеты, и на пути каждого встречаются такие наставники, которых мы зовём — учитель от Бога. И к счастью, что у нас есть такой учитель — Марфуа Азизовна, педагог с большой буквы. Неважно, первый это учитель или нет, важно только её отношение к нам — студентам. С самого первого занятия эта преподавательница покорила нас своим неиссякаемым оптимизмом, глубокими знаниями. Любой, кто слушает, её непроизвольно становится поклонником этой талантливой и красивой женщины.

Она не только профессионал своего дела, но и изящная женщина, обладающая тонким вкусом и великолепным чувством юмора.

Помню, с первого курса по сей день, она направляет нас в правильное русло, показывая дорогу к высшим знаниям, а самое главное — она в каждом из нас видит личностей и безгранично радуется нашим успехам. Марфуа Азизовна — учитель, которую мы ласково называем своей второй мамой, а в ответ мы слышим — «Мои дети», и именно таким педагогам нужно поклоняться и быть достойными их усилий. И никогда, никогда не смей забывать их!!!

Нигина КОРЧИЕВА студентка 4-курса

ҲАҚИҚАТЛА ҲАМҚАДАМ



Унинг қиёфасида мужассам бўлган уйғунликни дастлаб қаттиққўлликка йўйгандим. Вақт ўтгани сайин бу — қатъият, билим, ирода, ўз-ўзига бўлган ишонч ва чексиз меҳрнинг инъикосига айланиб борди. Мени хавотирга соладиган ягона ўй — гуруҳ давомати ва дарсга кечикиб келишлар оқибатида юзага келиши муқаррар бўлган ўқитувчи ва талаба ўртасидаги конфликт эди. Хаёлан фақат ечим излардим...



Ниҳоят, баҳорги сессия бошланди. Фалвир сувдан кўтариладиган палла... Ҳар ким меҳнатига муносиб баҳоланди. Ноҳақликка заррача ҳам йўл қўйилмади. Семестр мобайнида бироз дангасалик қилганлар ҳам ҳар бир мавзу нуқтаи назаридан етарлича тасаввурга эга бўлмагунларича баҳоларини ололмади. Бу эса у инсонга бўлган ҳурматимни яна бир қат ортишига сабаб бўлди. Кўнглимдан кечаётган туйғулар ҳаяжонми, ҳайратми номаълум, аммо физика-математика фанлари доктори, институтимизнинг «Информатика ва табиий фанлар» кафедраси ўқитувчиси Иззатилла Нуриддиновга нисбатан қулоқ ёйган кўрқув ўрнини энди мислсиз ҳурмат қоплаб бўлганди. Устоз 3-курс «Санъатшунослик журналистикаси» бўлими илм олувчиларини ёмон гапирмай, уриб-сўкмай маъруза ва семинарларда 100% қатнашишларини таъминлай олди. Кези келганда устознинг ҳаёт йўлларида ана шу ҳақиқат шиори маёқ мисоли хизмат қилишини, ҳамиша салобат ҳамда қатъиятларидаги ўзига хосликлари ила биз каби қорақўзларга сабоқ бериб, бундан-да улуғланиб юришларини истаб қоламиз.

Махлиё ТЕШАБОВЕВА

«Санъатшунослик журналистикаси» бўлими 4-курс талабаси

ҚАЛБИМДА УМИД УЙҒОТДИ...

Эндигина мактабга чиққан болаларга ҳеч эътибор берганмисиз? Улар уйда ота-онасининг айтганларини қилмаса-да, мактабдаги биринчи ўқитувчисининг гапи улар учун қонундек бўлади.

Мазкур институтга кирган пайтларим худди шу биринчи синф боласига ўхшатардим ўзимни. Чунки мусиқа сирларидан бутунлай беҳабар, йироқда эдим. Санъатни севганим, қизиқишларимнинг юқори даражада эканлиги туфайли айнан шу институтга кирганман. Лекин ўша кезларда танлаган соҳамнинг нақадар машаққатли эканлигини деярли ҳис этишдан йироқдаги киши эканимни яхши эслайман.

Айрим кимсаларнинг: «Сендан қўшиқчи чиқмайди, сен ҳеч қачон қўшиқ айта олмайсан», — деган сўзлари қулоқларим остида кетмасди. Ўша кезлари бир инсоннинг турткиси билан барчаси бутунлай ўзгарди, ҳаётимда улкан бурилиш юз берди. Чексиз муҳаббат ила қадрлайдиганим ул зот «Якка ашула» фанидан таълим берган устозим Ўзбекистон халқ артисти, «Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилиқ» кафедраси катта ўқитувчиси Хуррият Исроиловадир. Улар менга қарата: «Сен ашула айтасан, чунки сенда хоҳиш бор. Фақатгина сабр-тоқат, меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат талаб этилади», — дея таъкидладилар. Асосийси, ўз сўзларига ишонтира олди. Биз биргалашиб кўзлаган мақсадимизга эриша олдик ҳам.

Устозимнинг биргина айтган гаплари ҳаётда ўз йўлимни топа олишимга замин яратди. У кишининг ширин сўзлари, меҳр-муҳаббатлари тинимсиз ижод қилишга куч ва илҳом бахш этди. Ўзим учун ҳавас қилиб интиладиган, ҳар бир хислатларидан ўрناк оладиган етук инсонни кашф қила олганимдан мамнунман.

Махлиё ЖАЛИЛОВА

«Халқ ашула ва рақс ансамбллари раҳбарлик» бўлими 4-курс талабаси

Эркин Комилов — театр ва кино актёри, дубляж устаси ва педагог. 1967 йилдан ҳозирга қадар Ўзбек Миллий академик драма театрида актёр сифатида фаолият юритмоқда. Саҳнада 120 га яқин, экранда 300 дан ортиқ фильмларда 60 га яқин образ яратган ва 500 дан ортиқ фильмга овоз беришда иштирок этган. Шунингдек, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг «Театр санъати» факультети «Драма ва кино актёрлиги» бўлими талабаларига таълим бериб келмоқда.

48 йилдан буён Ўзбек Миллий академик драма театрида ижод қилиб келмоқдасиз. Унинг тараққиётида озми-кўпми сизнинг ҳам ҳиссангиз бор. Сиз илк қадам қўйган театр билан ҳозирги миллий театрнинг ўртасида фарқ борми?

Аваллари мустабид тузум даврида биз орзу қилган жуда кўп асарлар саҳна юзини кўрмаган. Масалан, устозим Шукур Бурҳоновдан бир гап эшитганман: Амир Темурни ўйнамоқчи эдим, афсус, Темур ўйналмас экан, ман қилинган экан, деганлар. Агар ўша пайтларда Шукур ака Амир Темурни ўйнаганларида, билмадим нима бўларди. Ҳозирги кунда эса, Фитрат, Чўлпон, Қодирийларнинг асарлари саҳна юзини кўрди. Қолаверса, ижод қилиш учун барча шароитлар яратиб қўйилди. Энди, фақат ижод қилгин, халқнинг орқасидан эргашиб кетиб қолмагин, ўзингнинг истейдодинг билан халқни ўзингга эргаштиргин, дейилляпти.

Бу йил Миллий театримизнинг 100 йиллиги нишонланмоқда, шу фурсат ичида театр қандай ютуқларга эришди деб ўйлайсиз?

Театр бир масжиддек гап. Театрга поклик керак, тўғрилиқ керак. Шукур Бурҳонов айтганидек, саҳнада ёлгон ҳаёт керакмас. Режиссёр берган топшириқни юракдан бажариш керак. Шу 100 йил мобайнида ҳақиқий актёрлар ёлгонсиз, ролига қалбини қўшиб ўйнади. Қолаверса, 100 йил мобайнида қанчадан-қанча кишилар тарбияланди, уларнинг ҳисобини томошабиннинг ўзи билади. Йиллар давомида қанча асар қўйилган бўлса, шулардан қанчасида томошабиннинг йиғлатган, кулдирган, қуйдирган, изтироб чектирган, ўйлантирган асарларнинг ҳаммаси бизнинг миллий академик драма театрида қўйилган. Мана бу театрнинг ютуғидир. Демак, театримиз аввал бўлганми, бугунги кундаям бўлади, аср-



Мухаммад Умархўжаев, Мақсуд Юсупов — буларнинг адоғи йўқ, хуллас ҳамма — ҳаммалари мен учун устоз. Ҳар биттасидан нимадир ўрганганимиз. Лекин характер яратиш бўйича менга Ўзбекистон Халқ артисти Обид Юнусов кўпроқ устозлик қилганлар. Ҳозир ҳам уларни устозим деб биламан. Трагик, драматик ролларда эса Шукур Бурҳонов жуда кўп маслаҳатлар берган. Биз миллий театр актёрларининг яна бир бахтли томонимизни айтсам, биз шундай буюк актёрлар бағрида катта бўлганмиз.

Миллий театрнинг ҚУТЛУФ САНАСИ

Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги олдидан
Ўзбекистон Халқ артисти, Давлат мукофоти соғиндорлари Эркин Комилов билан суҳбат



Мана ҳозир сиз ҳам устоз сифатида анчагина шогирдларга эгасиз. Шогирдларингиз ҳам ўзингиз каби санъаткор даражасига эришиши ва театрларимиз раънақига ҳисса қўшишлари учун уларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?

Шогирдларимга шуни айтган бўлардимки, маҳорат фанларига ҳеч қачон енгил — елпи қарамаслик керак. Қачонки, чуқурроқ ёндашсангиз, ўзингизни мажбур қилсангиз, ана ундан кейингина яхши актёр бўласиз.

Оллоҳ ҳаммага қобилият берган. Уни қўзғатиш, йўлга солиш бу ўзимизнинг қўлимизда. Келинг, зал тўла бўлмасин, майли, ярим бўлсин, лекин биз томошабиннинг қалбини ўзимиз қўйган асарларимиз билан, мукамал ижро билан поклай олайлик. Ролни шундай ижро этайликки, томошабин бизнинг ортимиздан юрсин, биз уларнинг ортидан эргашиб кетиб қолмайлик.

Марҳамат, Ўзбек Миллий академик драма театрига ва минглаб томошабинларга тилақларингиз бўлса, дил дафтарида сўзлаб беришингиз мумкин.

Мен бир нарсадан жуда хурсанд бўламан, ўз раҳнамосига эга бўлган халқ — бахтли халқдир. Бизнинг халқимиз ана шундай ардоқли, буюк раҳнамога эга. Тинч, осойишта ҳаёт кечираётганимиз сабабли театрга, кинога одамлар боряпти, боғлар, кўчалар гавжум. Ёшларимизнинг келажакка интилиши бор, уларда мақсадни кўра билиш ва шахдам қадамлар бор. Умид бор — келажак бор. Шунинг учун,

Президентимиз театрнинг 100 йиллигини кенг нишонлаш учун алоҳида қарор чиқардилар. Бу нафақат Ўзбек Миллий академик драма театримизнинг, балки мамлакатимиздаги жамики театрларнинг ва жамики томошабинларнинг байрамидир. Барча театр мухлисларини ҳамда театр ижодкорларини ушбу муқаддас сана билан чин юракдан қутлаб қоламан.

«Саҳна ва экран санъати драматургияси» бўлими 3-курс талабаси Моҳидаф УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

ЖАРАЁН АВЖИДА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли драматург
Шароф Бошбеков билан ижодий учрашув

Ҳаш-паш дегунча институтимиз ижод ва илмга чанқоқ талабалар билан тўлиб, янги ўқув йили бошланиб кетди. Қарангки, ҳали ўқув йилининг дастлабки кунлари бўлишига қарамасдан бизнинг тиниб-тинчимас талабалар ва талабчан устозлар саъй-ҳаракатлари билан яқинда атоқли адиб, таниқли санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, саҳна санъати ва кино, телевидение соҳасида ҳам бир неча йиллар давомида самарали фаолият олиб борган ижодкор Шароф Бошбеков билан институтимизнинг ўқув биносида ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув институти-мизнинг «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедраси ҳамда унда йиллар давомида талабаларга зиё улашиб келаятган устоз, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳаббат Тўлахўжаева ва институтнинг «Театршунослик» талим йўналиши 4-курсида таҳсил олаётган талабалар томонидан ташкил этилди.

Икки соатдан ортиқ давом этган учрашув мобайнида адибнинг санъат оламидаги дастлабки қадамлари актёрлик санъати билан бошланганлиги, кейинчалик ёзувчилик қирралари бўй бериб, икки йўналиш тизгинини ҳамоҳанг тарзда олиб боргани аён бўлди. Бугун эса Шароф Бошбеков халқимизга «Тушов узган тулпорлар», «Эшик қоққан ким?», «Эски шаҳар гаврошлари», «Темир хотин» сингари саҳна асарлари, «Шариф ва Мариф», «Юзсиз», «Тилла бола», «Чархпалак» каби кино сценарийлари ҳамда «Масхарабоз», «Фарҳод ва Ширин» фильмлари орқали яхши таниш.

Ижодкорнинг ўтган умри тўғрисидаги суҳбатда талабалар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олишлари билан бир қаторда асарлар тарихидан хабардор бўлишди.

Шу билан бирга устознинг бугунги кун театр, кино санъатидаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисидаги хулосалари бўлғуси санъаткорлар дунёқарашини бир қадар ўстирди.

Учрашув биргина талабалар учун эмас, институт ўқитувчилари учун ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Шароф Бошбеков санъат оламидаги бақувват устунлардан бири. Унинг ижоди авлоддан-авлодга ўтиб сайқал топиб боришига ишончимиз комил.

Учрашув сўнггида талабаларга бир қанча самимий тилақлар ва тақлифлар билдирилди. Бундан ташқари драматургга институтнинг актёрлик, режиссёрлик, саҳна ва экран санъати драматургияси талабалари билан мастер-класслар ташкил этиш тақлифи билдирилди.

Ойгул ОРЗИЕВА
«Театршунослик» бўлими 4-курс талабаси

SAHNA VA EKRAN HAQIQATI



ishtirokida bo'lib o'tdi.

Biz Nozim To'laxo'jayevni aktyor sifatida bir-biridan ajoyib va o'zgacha mahorat bilan ijro etgan rollari oraqali yaxshi tanimiz. «Mening katta akam», «Jazirama quyosh ostidagi uy», «Muhabbat va nafrat», «Sevgi yulduzi», «Chiyabo'rilar», «Marg'iyona», «Alpomish», «Ayollar saltanati», «Osmondagi bolalar», «Sukunat», «Baxt qadri», «O'yin», «Vatan», «O'tov», «Ilova», «Jiyda guli» kabi qator kinofilm va teleseriallarda yaratgan turli obrazlari shular jumlasidan.

Nozim To'laxo'jayev nafaqat aktyor, balki rejissor va multiplikator, qolaversa, o'z uslubi va qalamiga ega senariy muallifi hamdir. Senariy muallifi sifatida o'ndan ziyod senariy yozgan. Rejissyor sifatida 1987 yil Rey Bredberining hikoyalari asosida «Veld», 2008 yili «Maktub», 2012 yili «Visol» badiiy filmlarini suratga olgan.

Aktyor, multiplikator, rejissor, senariy muallifi Nozim To'laxo'jayev serqirra ijodkordir. U o'zi haqida shunday deydi: «...aktyorlikka ishtiyoqim kuchliroq. Begona taqdirlarda yashash, boshqalar xarakterini yaratish, birovlarining tuyg'ularini ifodalash ruhiyatimga yaqin. Tasvirga olish maydoni meni ilhomlantiradi. Senariy yozish esa xohish emas, zarurat tufayli, desam to'g'ri bo'ladi. Multiplikatsiyadagi faoliyatim ijodiy umrimni to'liq qamrab oladi... Asli san'at ilohiydir. Har kim ham san'atkor bo'lolmaydi. U Oллоh bergan iste'dod bilangina ijodkor bo'la olishi mumkin».

O'z kasbining jonkuyari, beqiyos iste'dod sohibi Nozim To'laxo'jayev bilan bo'lgan ijodiy uchrashuvda talabalar o'zlarini qiziqtirgan savollarga javob olishdi, aktyorning san'atdagi faoliyati bilan yaqindan tanishishdi. Uchrashuvda aktyorlik san'atiga professional nazar solish, rejissorlik va aktyorlik mahorati, rol ustida ishlash, partnyor bilan ishlash, filmlarni suratga olish jarayoni, teatr aktyorini kino aktyoridan farqlash, bugungi kun kinosi, uning yutuq va kamchiliklari haqidagi muhim masalalar muhokama qilindi.

Tadbir yakunida N.To'laxo'jayev san'at va hayot haqiqatlarini tan olishdan qo'rqmaslik, ayniqsa, ijodda samimiy bo'lish lozimligini alohida ta'kidladi.

Yulduz VAPOYEVA
«Teatrshunoslik» bo'limi 3-kurs talabasi

TALABALIK BAXTI

Talabalik yillari oltinga teng davrdir. Cheksiz kuch-g'ayrat bilan ulkan orzu va maqsadlar sari yetaklovchi bu davrni «Zumrad bahor»ga qiyoslashimiz ham mumkin. Bu zumrad bahorni oldinda oltin hosillar kutmoqda.



O'zbekiston Davlat san'at va madaniyat instituti 2014-2015 o'quv yilida «Teatr san'ati» fakultetiga qabul qilingan talabalariga «Talabalik guvohnomasi» topshirdi. Ushbu o'quv yilida «Teatr san'ati» fakultetiga aktyorlik turlari va rejissorlik yo'nalishlari bo'yicha abituriyentlar maxsus sinovlar asosida qabul qilindi. Jami «Drama va kino aktyorligi san'ati» (20 nafar), «Estrada aktyorligi san'ati» (rus guruhi 10 nafar), «Qo'g'irchoq teatr aktyorligi» (o'zbek guruhi 11 nafar), «Qo'g'irchoq teatr aktyorligi» (rus guruhi 10 nafar), «Musiqali teatr aktyorligi» (20 nafar), «Musiqali teatr rejissorligi» (5 nafar), «Estrada va ommaviy tomoshalar rejissorligi» (10 nafar) yo'nalishlari bo'yicha 86 nafar abituriyent talabalariga safiga qo'shildi. Shulardan 29 nafar

abituriyent davlat granti, 57 nafar abituriyent esa shartnoma asosida talabalikka qabul qilindi. Shu munosabat bilan institutimizda «Teatr san'ati» fakultetiga qabul qilingan talabalarga «Talabalik guvohnomasi» topshirish tadbiri bo'lib o'tdi. Bu tadbir talabalar uchun chinakam bayramga aylandi desak, mubolag'a bo'lmaydi. Tadbirni institut ma'naviy-ma'rifiy ishlari bo'yicha prorektor A.Mavrulov o'zining tabrik so'zi bilan ochib berdi. Talabalarga «Talabalik guvohnomasi»ni O'zbekiston xalq artisti, Davlat mukofoti sovrindori E.Komilov topshirdi. Shundan so'ng talabalar institut ichki tartib qoidalariga, odob-axloq, kiyinish me'yorlariga va ustozlarning ko'rsatmalariga amal qilishga qasamyod qildilar.

Institut talabasiga aylanishning o'zi katta baxt. Lekin kuchlilar va bilimlilar orasida yetakchi bo'lish undan-da oliy baxtdir. Talabalar orasidan kirish imtihonlarida «Teatr san'ati» fakulteti bo'yicha eng yuqori ball to'plab talabalik safiga qabul qilingan Kubayev Temurbek Oqilbek o'g'liga institutning ilmiy ishlar bo'yicha prorektori G.Xoliqulova tomonidan «Bilimlar kaliti» topshirildi.

Bu yilgi o'quv yilida ko'plab iqtidorli, bilimli, ijodkor yoshlar talabalikka qabul qilingan bo'lib, tadbirda ular tomonidan sahnaviy tomoshalar, raqs va qo'shiqlar ijro qilindi va bu tomoshabinlarga manzur bo'ldi. Shuningdek, bayram tadbiriga tashrif buyurgan xushovoz xonandalar o'zlarining kuy-qo'shiqlari bilan talabalarni tabrikladilar.

Ko'ngil daraxti ilm-u ma'rifat chashmasi, ezigulik quyoshidan qancha parvarish topsa, uning hosili shuncha mo'l bo'ladi. Biz tadbirning asosiy sababchilari bo'lgan birinchi kurs talabalarining orzu umidlari quloch yozib, kelajakda yetuk mutaxassis bo'lishlariga tilakdoshmiz. Talabalik bayrami muborak bo'lsin!

Zarnigor ABDUVOHIDOVA
«Teatrshunoslik» bo'limi 3-kurs talabasi

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 14 мартдаги 109-сонли буйруғига мувофиқ белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида институтга бириктирилган.

Тошкент шаҳрида жойлашган 9 та ўрта махсус касб-хунар коллежлари, Тошкент давлат миллий рақс хореография олий мактаби ҳамда институт ректори ташаббуси билан республикадаги 17 та санъат ва маданият касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди.

«Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш» бўлими ўз вазифаларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги буйруқлари, меъёрий ҳужжатлари, кўрсатмалари, кенгаш қарорлари асосида амалга ошириб келмоқда.

Олий таълим вазирлиги ҳамда касб-хунар коллежлари ўртасида олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик аввало, таълим тизимининг икки босқичи-олий ва ўрта махсус таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, иқтидорли ёшларни мақсадли тайёрлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, коллеж ўқувчиларининг санъат ва маданият соҳасидаги билимларини оширишга замин яратади.

Ҳамкорликни янада такомиллаштириш, таълим жараёнидаги номуносибликни бартараф этиш мақсадида институтнинг 2014 йил 28 февралдаги 66-у-сонли буйруғига асосан институтга бириктирилган ўрта махсус касб-хунар коллежларида «Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик» кафедраси филиали Тошкент маданият коллежида, «Эстрада ва оммавий тоmoshalar санъати» кафедраси филиали Республика эстрада-цирк коллежида, «Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ва бошқариш» кафедраси филиали Тошкент туризм коллежида, «Педагогика ва психология» кафедраси филиали Тошкент педагогика коллежида ташкил этилди.



Бўлим институтга бириктирилган касб-хунар коллежларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб профессор-ўқитувчиларимиз иштирокида маҳорат дарслари, маданий тadbirlar, давра суҳбатлари ўтказди. Институтнинг илмий-ижодий салоҳияти, моддий-техник базасидан келиб чиқиб коллеж

ўқувчиларининг ҳамкорлик дарсларини ташкил этади.

Ҳамкорлик дарсларини ташкил этишга профессор-ўқитувчиларимиздан Абдухалил Маврулов, Мунаввара Абдуллаева, Равшан Жомонов, Зебо Қосимова, Нилуфар Исакулова, Шоҳиста Самарова, Маъмур Умаров, Нодира Хаджикулиевалар билан бир қаторда ёш ўқитувчиларимиз ҳам яқиндан ёрдам бермоқда.

2014 йил 2-18 июн кунлари институтда ўтказилган «Очиқ эшиклар кун» ва «Талаба-ёшлар ижодиёти» фестивалининг очилиш маросимида ҳам ҳамкор касб-хунар коллежлардан ташриф буюрган 300 дан ортиқ ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди. Тadbirda институтнинг 10 та мутахассислик кафедраси ўз соҳасининг хусусиятини очиб берадиган материалларни тақдим этди. Бунда коллеж ва лицейларни биттираётган ўқувчиларни қизиқтирадиган материалларга кенг ўрин ажратилди. Ҳар бир ўқувчи ушбу материаллар орқали санъат ва маданият соҳасининг ўзига хос жиҳатларини билиб олиши, бўлажак касбининг сир-асрорларидан маълум маънода хабардор бўлиши, таниқли театр ва кино актёрлари, ўзбек маданияти ва санъатининг арбоблари ҳақида тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Олиб борилаётган ҳамкорлик натижасида бу йил ўзаро шартнома имзоланган касб-хунар коллежларини битирган ўқувчилардан 25 нафари давлат бюджети, 56 нафари эса тўлов контракти асосида институтимиз талабаси бўлди. Бу эса профессор-ўқитувчиларимизнинг ҳамкорликда олиб борган ишларининг самарисидир.

Дилрабо АБДУЛЛАЕВА
«Академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш» бўлими услубчиси

Эльвира ЯФАСОВА
заведующая кафедрой
«Музыкально-теоретических дисциплин»



УЧИТЕЛЯМ ПОСВЯЩАЕТСЯ (Акростих)

Унесённые ветром страницы...
Чередой минувших дней,
Исчезают с годами черты и лица
Твоих родных учителей.
Если память Вас не подводит и
Любовью сердце полно,
Я прошу, поклонитесь в пояс
Матерям и учителям равно.

Посвятите им строки и песню,
Одарите вниманием всех
С благодарностью за учебы и
Величие разума тех, у кого мы научены жизни.
Яркий светоч познания горит
Щедрым пламенем вдохновения,
А пылливый разум кипит.
Если день- пусть будет светлым, если ночь-пусты
Тревоги уйдут стороной. Будьте счастливы и здоровы.
С праздником, УЧИТЕЛЬ ДОРОГОЙ!
Яфасова Э.



Эъзозхон МАХМУДОВА
«Касб таълими:
фольклор этнографик
жамоаларига раҳбарлик»
бўлими 2-курс талабаси

ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Кўзларимга суртай тупроғин,
Она юртим гўзал маконим.
Ҳавас қилганнинг йўқ саноғин,
Гулла, яшна Ўзбекистоним!

Темурларинг ўтди жанг аро,
Бахшида, дея жон-танам.
Машъум тарих бўлганда адо,
Гулла, яшна Ўзбекистоним!

Само илмин кашф этган илдам,
Улуғбек бобом-илм султони.
Улар руҳи мадаккор мудом,
Гулла, яшна Ўзбекистоним!

Бугун нурли ҳар бир кунимиз,
Орзуларга тўла осмоним.
Ҳар жабҳада шахдам турибмиз,
Гулла, яшна Ўзбекистоним!

ЭЪЛОН

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга кафедралар бўйича профессор, доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

«Кино, тв ва радио режиссёрлиги» кафедраси профессор (1), «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедраси профессор (1), «Эстрада ва оммавий тоmoshalar санъати» кафедраси доцент (1), «Чолғу ижрочилиги» кафедраси катта ўқитувчи (1), «Муסיқий-назарий фанлар» кафедраси катта ўқитувчи (1)

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилишилозим:

1. Ректор номига ариза;
 2. Ишловчининг шахсий варақаси;
 3. Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
 4. Паспорт нусхаси;
 5. Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
 6. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
 7. Меҳнат дафтарчасининг нусхаси
- Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.
Манзил: 100164, Тошкент ш., Яланғоч даҳаси, 127 «а»-уй.
Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.

Муассис:

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳририят хайъати:

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Севара МАХМУДОВА
Умида ҲАСАНОВА

Саҳифаловчи-дизайнер:
Баҳром БОБОЖОНОВ

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри
М.Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99893 587 77 47;
+99871 230 28 13
www.dsmi.uz; dsmi_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирига ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтнинг нашриёт-таҳририят бўлимида тайёрланди.
Ўлчам — А2, ҳажми — 1 босма табоқ
Нусхаси — 1000 дона. Баҳоси келишилган нархда.
Чоп этишга 24.10.2014 да топширилди.